

ЖАЛҚ СУЗУ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ,
РАМАЗОН, 2-КУН.
ШАМСИЯ,
1370 ЙИЛ,
ХУТ, 17-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 йил 6 МАРТ, ЖУМА, 48-СОН • 299 •

НАРХИ ОУНАЧИГА 15 ТИЯНН,
СОТУВДА 60 ТИЯНН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ «НАВРЎ» МУНОСАБАТИ БИЛАН «МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК, МЕҲР-ШАФҚАТ» ХАЙРИЯ ҲАШАРИНИ ВА ТЕЛЕМАРАФОННИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА



● ТОШКЕНТ. Туркия Республикаси ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи низоҳига етди. Делегация аъзоларини Президент Исом Каримов қабул қилди ва батафсил суҳбат лашди.

СУРАТДА: Президент хузурида қабул пайти.
Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат. (ЎзАХБОР).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ХУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТУРКИЯГА БОРГАН ПАЙТДА АНҚАРАДА ИККАЛА ДАВЛАТ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА ТУЗИЛГАН БИТМАГА МУВОФИҚ РАСМИЙЛАШТИРИЛДИ.

Бу янги ҳужжат, жумладан, миятақа ва халқаро муаммолар юзасидан мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиш турини кўзда тутди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги мурожаат этган тақдирда, Туркия элчихоналари ва ваколатхоналари республиканинг бошқа мамлакатлардаги ва халқаро ташкилотлардаги манфаатларини ўзаро келишиб олинган даврда ҳимоя қилиб туради. Туркия томони ўзбек дипломатларини тайёрлашда кўмаклашди.

Протоколни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдуразақов билан Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Хўмакат Четин таънавали вазиятда имзоладилар.

Миллий қадриятларнинг тиллашишида «Наврў» байрамининг аҳамиятини эътиборга олиб Вазирлар маҳкамаси қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ўшлар иттифогини «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қўлош Оқубоев номидаги тўқинчилик ва енгил санаят институтини, Тошкент шаҳар Октябрь райони «Янги шаҳар» маҳалласи жамоаси, Чортоқ шаҳар тикуччилик фабрикаси жамоаларининг 1992 йил 14 март кунин «Наврў» умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадио компанияси жамоаси, «Ўз» халқаро уюшмаси, Ўзбекистон бошлар жамғармаси, «Меҳр-шафқат» ва «Саломатлик» жамғармаси республика Нотариус жамиятини, Қизил Ярмоғи жамияти жамоаларининг 1992 йил 21 март кунин «Мустақиллик» тинчлик ва меҳр-шафқат» хайрия телемарафонини ўтказиш тўғрисидаги таклифларни маъқуллашди.

2. Меҳнат жамоаларининг «Мустақиллик, тинчлик ва меҳр-шафқат» шиори остида ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашари ва телемарафонига раҳбарлик қилиш умуумхалқ байрами «Наврў»га тайёргарлик қўриш ва ўтказиш комиссиясига юлталсин. Хайрия тadbирларини ўтказиш юзасидан республика вилоятлари, шаҳар, қишлоқ, маҳалла кенгашлари, вазирликлар, биржа ва барча турдаги корхона ва ташкилотлар аниқ режа асосида ташкил ва амалий тadbирларни ишлаб чиқсинлар.

3. Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш, кўчат ўтказиш, боғлар яратиш, қабристонларни сарийтлаш ишларига алоҳида эътибор берилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. МУТАЛОВ, Тошкент шаҳри, 1992 йил 5 март.

ДУНАЙ БИЛАН СИРДАРЁ ТУТАШМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ
МОЖОРИСТОНДА БУЛИШИГА ДОИР

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов бошлиқ ҳукумат делегацияси 2 март кунин расмий ташрифи билан Мажористон (Венгрия) Республикасига борди.

Ҳукумат қароргоҳида бўлган қисқа суҳбат чоғида Мажористон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Тамаш Натон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил тошганидан кейин Урта Осиёдан биринчи марта Мажористонга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси делегацияси аъзоларини таъриқлади. Ўзбекистон Россия, Украина, Молдова ва Беларусдан кейин, деди у, биз билан дипломатик алоқалар ўрнатилган ахл қилган бешинчи давлат бўлди.

Қадимий Мажористонга яхши ният билан келиш, деди А. Муталов. Мақсадимиз икки мамлакат ўртасида фазо манфаатли алоқалар ўрнатилтир.

Шу кунин Мажористон Ташқи иттиқодий алоқалар вазирлигида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар ва илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисидаги битим имзоладилар.

— Ўзбекистон вакиллари Мажористон меҳр-муҳаббат билан кутиб олмақда, — деди битим имзолаганидан кейин Мажористон ташқи иттиқодий алоқалар вазири Б. Кадр. — Шувис қишлоқларини, вазирлигимиз тарихида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси делегациясини таъриқлашимиз.

Кунинг иккинчи ярмида А. Муталов мамлакат парламентига бориб Мажористон Президенти Арпад Геңц билан суҳбатлашди.

Мажористон Деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик тadbиркорлари вазирлиги вакиллари билан суҳбат чоғида бу дўст мамлакатда чорвачилик, айниқса паррандачилик соҳасида паррандачилик орттирилганлиги хусусида гап борди. Бу таърифа ҳар жиҳатдан ўрнатилган лойиҳа, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш масалаларининг ҳал этилиши ҳам меҳмонларнинг эътиборини тортиди. Шу мақсадда қўшма корхоналар курилиши иттиқодий жиҳатдан манфаатли бўлур эди.

Сафарининг иккинчи кунин Ўзбекистон делегацияси аъзолари Мажористон ташқи ишлар вазири Геца Есениси билан суҳбатлашдилар. Икки дўст мамлакат ўртасида дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши ўзбек ва мажор халқлари манфаатларига,

жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Халқаро хўқўқ қонун-қондаларига амал қилиб, иккала давлат пойтахтларида элчихоналар очилга қарор қилинди ва шу ҳақдаги протокол имзоладилар.

Геца Есениси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигини мухбирининг саволига жавоб бериб, «сизнинг республикангиз билан илгари ҳам алоқалар бўлган эди, аммо бугун имзолаганидан кейин ҳужжатлар дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди, чунки биз эндиликда мустақил, ўзининг тараққиёт йўлларини белгилайотган, бой ресурсларга эга бўлган Ўзбекистон билан дипломатик алоқалари ўрнатмоқдамиз» деди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов билан Мажористон Республикаси Бош вазири Йожеф Анталнинг учрашуви шу кунин асосий воқеалардан бири бўлди. Ҳукумат ва самимийлик вазиятида ўтган суҳбат вақтида иккала давлат манфаатлари йўлида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар муҳокама этилди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси билан Мажористон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Ахдлашувга мувофиқ Ўзбекистон Мажористонга пахта толаси, трактор, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етказиб берида. Мажористондан эса бўғдой, гўшт, қандшаклар, боллар овқати олинадилар. Дўст мамлакат «Икарус» автобуслари ва уларнинг ахтиёт қисмларини, дори-дармон ва бошқа буюмларини ҳам етказиб берида.

Бош вазири А. Муталов маҳаллий ва чет эл мухбирлари билан учрашди. Шундан кейин делегация аъзолари «Икарус» автобуви билан кузатиб борди. Жумҳурият телевидениеси ва «Неспабашар» рўзномаси шу ҳақда хабарлар эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси 4 март кунин Тошкентга қайтиб келди.

Пўлат НИШОНОВ, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг махсус мухбири, Тошкент — Будапешт — Тошкент.

Қирқ хунардан хоҳлаганингни танла

● ГУЛИСТОН қолхоз бозорига ўз қўли билан тайёрлаган лосиска кутиларини харидорларга тақлиф этибдан сотувчилар пайдо бўлди. Энди бу иш гаيري қонуний ҳисобланмайди.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши қарор қабул қилиб, яқин тартибда меҳнат фаолияти билан шуғуланишининг бир қанча турларини белгилаб берди. Бундай фаолият билан шаҳар, район, қишлоқ кенгаши ижроия комитетларининг махсус руҳсулмасида шуғуланиши мумкин. Энди патент сотиб олиш, рўйхатдан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳномага да бўлишининг ўзи кифой, йўлнингиз ойдин, узокни кўзлаб бемалол ишлайвершингиз мумкин. Ҳақиқатан ҳам ишлар кўп. Давлат корхоналарининг ижтидий рақибни пайдо бўлмақда.

ҲАМКОРЛИК «СРЕДАЭЛЕКТРО АППАРАТ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига хом ашёнинг катта қисмини жумхуриятдан ташқаридан келтирилди.

Собиқ иттиқоқ парчаланигандан сўнг, қатор корхоналар шартномага амал қилмай қўйишди. Хом ашё тақчиллиги туфайли ишлаб чиқариш иқтисодида юз бурмоқда эди. Бу ҳол бирлашма мамуриятининг хоржидан шерик излашга мажбур этди. Швециянинг «Галвар» фирмаси ҳамкорлик қилиш рози бўлди. Фирма мутахассислари цехлардаги дастгоқларни алмаштириш лозимлигини айтишди. Хоржидан компьютер ва бошқариладиган ускуналар олинди. Қўл меҳнати қамайди. Маҳсулот тайёрлаш кун сайин ошавпти.

ЗАРАРКУНАДАННИНГ КУШАНДАСИ

УРТА Осиё ўсимликларини ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институтини олиларни зараркунандалар оқлисига мансуб антиқ ҳашерот яратишди. Ҳашеротларга бўлса-да, ўсимликларга шимак этказмайди, балки зараркунанда ҳашеротлар уруғини паллада қилиб, очиб чиқилга имкон берилади.

Оқиллар таъкидлашларича, энкарани ҳашаротини сабабот энкаринини ҳимоя қилишда қўллана, яқин самара бераркан.

Исмаил ТОШЕВ.

ХАВАРИНГИЗ БОРМИ?

● Москва ҳукумати 17 март кунин Мажористонда ўтказилган мўлжалланган минтингга руқсат бермади. Алберт Мақсуда ва Виктор Ампликов каби кишилар кирган ташаббускор гуруҳ талаби рад этилди.

● Эдуард Шевардинае яқин кунлар ичига Грузияга қайтиб кетишни ренжалаштирмақда. Ишончли юмилки, деди у, ҳозирги пайтда ватаниннинг қайта туғилишида менинг иштироким учун шартшароит пилиб этилди.

● Утган йили Россияда жами 2 миллион 200 мингга жиноят содир этилди.

● 10 март кунин Парижда иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти фан-техника комитетининг мажлиси очилди. 24 та етваци капиталистик мамлакат шу ташкилотнинг аъзосидир. Комитет мажлисида биринчи маротаба Россия делегацияси қатнашадиган бўлди. Киодо Цусин ахборот бошқармасининг Япония ҳукумат манбаларига асосининг хабар қилишича, кенгаш ташкилотчилар россиялик олимларга кузатувчи сифатида қатнаши ҳақида таклифнома юборганлар.

● Дания пойтахти — Копенгагенда Болтиқ денгиз соқилидаги мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг конференцияси иш бошладилар. Дания, Латвия, Литва, Норвегия, Польша, Россия Федерацияси, Финляндия, ГФР, Швеция ва Эстония дипломатия маҳкамаларининг бошчилигида икки кун давомида ҳаммаи қизиқтирувчи турли соқалардаги ҳамкорликнинг долзарб муаммоларини қараб чиқадилар.

● ГФР қанцлери Гельмут Коль Германияга кўп кунлик хусусий ташриф буюрган собиқ СССР Президентини Михаил Горбачевини Бонндаги ўз қароргоҳида қабул қилди. Сиевтичлар иккама-икка суҳбатлашдилар. Германия ҳукуматининг бошлиғи Михаил Горбачев ва унинг рафиқаси шарафига зифат берди.

● Деҳлидан олинган маълумотларга қараганда, айирмачиларнинг «Тамил ила» озоқлик йўлбарслари гуруҳининг жангарилари Шри-Ланканин шарқида ҳукумат қўшинлари истеҳкомларига қарши ҳужум қилганлар. Чоршанба кунин улэр Жанакпур районда армия истеҳкомининг икки эитилар. Ҳарбий хизматчилардан етти киши ҳалок бўлган ва ўн уч киши жароҳатланган.

● Франция ва жаҳон эстрадасининг юлдузи Шарль Азнавур Арманистонинг Октемберин шаҳрида болалар оқвати комитетини очди.

● Кеча, 5 мартда, И. В. Сталин вафот этган кунга 39 йил тулиши муносабати билан Кремль двори рўпарасидан унинг қабрига гулчамбор қўйилди. Бунинг учун сталинчилар ўн кунларнинг 23 февралда бўлиб ўтган минтинга пул тўплаган эди.

● Свердловск вилоятининг Первоуральск шаҳрида антиқ қўйди-қийди бўлди. Эрхотин Б.лар собиқ эътиқодлари тўғри кеваганини сабабли аяралишга қарор қилдилар. Улар «турунлик» даврида, яқин 1982 йилда турмуш қургандилар. Ыроқ ке-

янинги икки йил мобайнида оливини ҳаётининг «сезиб» мақдонинда эхтирослар аянига қийди. Суд талоқ ҳақидаги аризани қондирди.

● Финляндиянинг Тампере шаҳридаги майда ишбилармон Клаус Юттилайнен деган киши 1946 йилдан бери бу ерда ишлаб келадиган Ленин музейини яншига эришиш ниятини олдига қўйди. Шаҳар радиоси ва «Амулетти» рўзномаси шу мақсадда музейда намойиш ўтказилишини эълон қилди. Юттилайнен ҳаётининг аломийшага жалб қилиш учун маҳаллий аҳоли яқин қўрадан нухат шўрва билан бепул сийлашини билдирди.

Утган шабаба кунин ҳақиқатан ҳам намойиш бўлиб ўтди. Шу воқеани бритиш учун «Амулетти» рўзномаси юборган мухбирининг хабарига қараганда, намойишда унинг ташкилотчисидан бошқа ҳеч ким бўлмаган. Ҳафсела билан пилирининг 150 литр нухат шўрва ҳам шунда қийна қилиб кетди.

● Чили ҳукумати собиқ ГДР раҳбари Эрх Хоннекерни «одамийлик мулоҳазалари билан қўлаб-қуватлайвермади», деди Чили ташқи ишлар вазири Эрнест Сильва Симма. Испаниядаги ЭФЭ ахборот бошқармасининг Сантьягодан хабар қилишича, вазири собиқ Шарқий Германия раҳбари Москвадаги Боткин номи қасалона врачлари томонидан тиббий текширишдан ўтказилганини айтиб, унинг натижаларини билан журналларини ташиштирди.

● Хоннекер жингар рақи билан оргнганлиги ҳақидаги таҳмин тасдиқланмади, деб таъкидлади Э. Сильва Симма. Тиббий текширишдан кейин собиқ ГДР раҳбари яна Чилининг Москвадаги элчихонасига қайтиб келди. У ўтган йил 11 декабрдан бери шу ерда «меҳмон» сифатида турибди.

● Ироқ Кувайтга бошқариб кирган пайтда Туркия нақадар сезириб қурсатган бўлса, қардош Озарбойжонга қарши эгрессия муносабати билан ҳам шундай эгрессия намойиш этишга мажбурдан, деди Туркия Буюк Халқ Мажлиси — парламентининг раси Хисомиддин Жиндорди. Ана-уду агентлигининг хабар қилишича, у бу муаммо хусусида халқаро дипломатиянинг нукта назарига аяланганини наҳор этди. Туркия парламентининг раси жаҳон ҳамжамиятининг «арманиларнинг қардош озарбайжонларга инсбатан Бениқош шафқатсизлиги билан аяралиб турган киргини ҳаракатининг қоралашга қақирди.

● Карелияда «Сталин номидаги канал» публицистик фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

● Тулада В. Воронцов иш юзасидан суд жарафини туғди. У ўтган йил январда Калуга вилоятида чиқадиган «Знамя рўзномасининг муҳаррири И. Фолин ва «Строймеханизация» трести қасба уюшмаси комитетининг раси А. Калужийини ваҳийларча отиб ўлдирди. Суд қотилин ўлим жазосига ҳукм қилди.

(Ахборот агентликлари ва хорик рўзномалари хабарларидан сариландилар.)

КЎНГИЛХУШИ САТРАЛАР

ДОН ЭКИШ БОШЛАНДИ

Қарши, Гузар ва Қамаш туманларининг елалқорлари ерга уруғ соча бошладилар. Қашқадарё вилоятида ҳаммаси бўлиб ўн минг гектар ерга баҳори галла экилиши лозим. Бу —асосан суғурма ерлардир. Туманларга мосланган ва вилоят «Дон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари томонидан таъсия этилган наваларга афзаллик берилмоқда. Масалан, «Макус-3» янги қаттиқ бугдой нави ҳатто Қарши дашти шариотига ҳам гектар бошига 30 центнергача дон бера олишини таъриқбалар қўрсатади.

ҲАМ МЕВА, ҲАМ АСАЛ

Қорақалпоғистон учун янгилик бўлган арпа — асаларчилик-боғдорчилик хўжалиги икки юз гектар майдонинг эгаллади. Бирок Бериуний районидеги Буденний номи давлат хўжалиғи мамуриятини унинг заминидега барпо этилган тармок давлат хўжалиғи бюджетини шакллантиришга ўз хиссасини қўшади деб ҳисобламқда. Эндиликда қишлоқ аҳли

ИЛОЖИНИ ҲАМ ТОПИШДИ

«Уриқор» мева-сабзавот давлат хўжалиғи меҳнатчилари ҳозирга иқтисодий вазиетда аниқ йўлни топиб олдилар. Улар Чалчик вилоят ишлаб чиқарувчилари билан икки алоқа ўрнатдилар.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Самарқанд лифтсозлик заводининг янги маҳсулотига давлат комиссияси «яъло» баҳо қўйди. Завод конструкторлари ишлаб чиққан янги моделдаги лифт ҳозир ишлаб чиқарилаётган намуналардан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Янги моделнинг асосий хусусияти шундаки, турар жой ва мамурий бинолар учун мўлжалланган бу лифт турти кишини эмас, беш кишини таъсияга мўлжалланган. Унинг эшикларини анча кенгайтирилган бўлиб, кабинада катта ҳажмдаги юкларни таъсия мумкин.

БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

Бошқаруви тизими ҳам анча янгилик бўлиб қолди. Лифт ишини электроника «бошқарди». Енги чўққанда эса электроника кабинетини автоматик тарзда бинонинг қўйи қаватига туширади.

(ЎзАХБОР).

Жумга қироатлари



ТАВХИД ЭТИҚОДИНИНГ ИНСОН ҲАЙТИДАГИ ТАЪСИРИ
Келинг, энди сизга тавҳидга — Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига ишонининг инсон ҳаётига қандай таъсир кўрсатиши ва унга ишонмаган одамнинг нима учун муваффақиятсизликка учрашини баён қилиб берайлик.
1 — бу жумлага ишонган кишининг фикри тор бўлиши мумкин эмас. Зеро у еру осмонларни яратган, бутун ер юзига эга бўлган, бутун одамга ризқ берувчи парвардигорга нисман келтирди. У мана шу ймондан кейин қонини оғитиши мумкин — Оллоҳнинг мулки. Борлиқдаги ҳеч нарса тўқилмади қилиб, уни дўстлик, тенглик, биродарлик туйғуларидан қайтара олмайд. Унинг дунё-

гулик қилиш эканини аниқ билади. Чунки у ишонганга зот беҳожат, одил, бадавлат, илоҳдирки, ҳеч ким у билан ҳеч қандай алоқадор ёки унинг илоҳий нуфузига дахлдор эмас. Мушрик ва кофирлар пуч озурақ билан ҳаёт кечирадилар. Улардан баъзилари — «Оллоҳнинг ўғли» гуноҳларини кафороат бўлади» — дейишади.
Яна баъзилари: «Биз Оллоҳнинг ўғиллари ва қариндошларимиз», дейишади. «Биз Оллоҳнинг олдига улуғларимиз, тақводорларимиздан шифоат сўраб оламиз», дейди. Яна кимлардир Оллоҳга назр ва қурбонликлар қилиб, шу билан энди хоҳлаган ишни бажарвершига рухсат олдим, деб ўйлайди.
Мана шундай бузуқ эътиқодлар уларни гуноҳ тирдо-бига рақ қилмоқда, улар ўз эътиқодларига таяниб, нафсларини тийишига ва зағуликларни қилишга ақамилат берма-ютмаган ишонмайдиган, охи-рак ҳаётига ва ундаги амал-ларга қараб — яхши бўлса, яхши, ёмон бўлса — ёмон жазога эътиқод қилмайдиган худосизлар ҳақ ўз-ларини юқоридан ҳеч қандай қонунга боғланмаган эркинлик, деб ўйлаб, нарса — ҳаволарини ўзларига худо бўлиб олдилар.
5 — бу жумлага ишонган киши ҳеч қачон ноумид бўлиб, тушқунликка тушмайди. Зеро, у еру осмонлардаги ха-зиналарнинг, туганмас бой-лиқнинг эгасига ишонади. Бу ишонч унинг қалбига фавақ-лодаги хотиржамликни бахш этади. Дунёда ҳар тарафдан муваффақиятсизликка учраса ҳам тушқунликка тушмайди. Зеро, Оллоҳнинг қизи уни қўрғин қолмайди. У доимо Оллоҳга тавкал қилиб, ундан мадад сўраб, тинимсиз ҳаракат қилади. Бундай қал-

бан ва руҳан хотиржамликни тавҳид эътиқодисиз эғаллаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам кофир, мушрик, худосизларнинг қалблари заиф бўлади. Чекли қувватларига таян-ганларидан мусибатлар кел-ганда тезда умидсизликка учрайдилар. Ноумидлик го-ҳида уларни ҳалокатга ҳам олиб боради.
6 — бу жумлага ишонини кишига куч-қувват, сабр, ма-тонат бахш этади. Одам дун-ёда Оллоҳнинг розилиги йў-лида улуғ ишларга интилаёт-ганда орқасида еру осмон-ларнинг подшоҳи турган бўлиб, унга ҳар қадамда ма-дад беришга ишонади. Унинг мана шу тасаввурдан олган сабри, матонати, салобати тоғнинг салобатидан кам бўлмайди. Ҳеч қандай ма-шаққат, ҳеч қандай қувват уни ниҳтидан қайтара олмайд. Ширк, кофир, худосизликлар-нинг бундай куч-қувват ва ма-тонат бахш этишига йўл бўл-син.
7 — бу жумлага ишонини инсонни ботир, журъатли қи-лади. Зеро, инсонни қўрқата-диган, шаштидан қайтарма-ган икки нарса бор.
1 — ўзини, давлатини, оил-ани яхши кўриши.
2 — Оллоҳдан бошқаси ҳам инсонни ўлдирга олади, деб ўйлаб, қандайдир қийла билан ўлимдан қўтилиб қолиши мум-кин, деб эътиқод қилиши. Ол-лоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги-га ишонини инсонни бу икки нарсасдан бутунлай озод эта-ди. Бундай инсон биринчидан ўзининг ҳам, давлатининг ҳам эгаси Оллоҳ эканига тўла ишонади ва ўзини ҳам инсо-нини ўлдирга олади, деб на-рсани ўзини йўқ қилган қу-рун қилиб қўлади. Иккинчидан унинг на-зариде Оллоҳдан бошқа ҳеч ким инсон ҳам, ҳайвон ҳам, бомба ҳам, пушка ҳам, қи-лич, тош, ўтин ҳам ўлдиршига қодир эмас. Оллоҳ белгилаб берган ақалини дунёдаги ҳеч бир куч ўзгартира олмайд. Шунинг учун ҳам Дунёда Ол-

ОИЛА ЛИМОНЗОРИДА
ЖИЗЗАХ районидagi Ҳамрокул Носиров номли жамоа хўжалиги иссиқхонаси-нинг бир гектар майдондаги лимонзорини Одижон Аб-дужабборов оғлиси ижарага олган. Ойнаванди майдон-лардан 15 тонна маҳсулот еттиштиришга аҳд қилган соҳибкорларнинг дастлабки иш натижалари белгилан-ган режани бажаришдан да-лолат бериб турибди.
СУРАТДА: Одижон Аб-дужабборов иссиқхонада.
У. ХУШВАҚТ олға-сурат.
(Давоми бор).

КҮРИК-ТАНЛОВГА МАРҲАБО!

«ХАЛҚ СУЗИ» рўзномаси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар жумҳурият илмий услубият маркази билан ҳамкорликда

14—15 МАРТ КУНЛАРИ
МУҚИМИЯ НОМИДАГИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ДАВЛАТ ТЕАТРИ БИНОСИДА
«НАВРУЗ» байрамига бағишланган

«БОДОМ ГУЛИ»
қўшиқ ва рақс ижрочиларининг республика кўрик-танловини ўтказади
Кўрик-танлов 14—15 март кунлари соат 10.00 да бошланади.

15 МАРТ КУНИ
Кўрик-танлов голибларининг якуновчи концерти бўлади. Концерт Муқимий номли театрда соат 19.00 да бошланади.
Томошаларга МАРҲАМАТ, ҚўШИҚ ВА РАҚС ШАЙДОЛАРИ!
КўРИК-ТАНЛОВ ҲОМИЙЛАРИ ВА МУҚОФЛАРНИ ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

ТОШКЕНТ ЧИНИ ЗАВОДИ
«ШАРҚ ГУЛИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ОЛТИАРИҚ РАЙОН МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИ
«БАРНО» ФИРМАСИ
«ОРЗУ» НОМЛИ ЧАРМ-АТТОРЛИК ВА СПОРТ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЖАРА ҚОРХОНАСИ

ИСТЕЪДОДЛАРНИ КУТАМИЗ!

«БОДОМ ГУЛИ» қўшиқ ва рақс ижрочиларининг республика кўрик-танлови ташкилий комитети аъзоси, Ўзбекистон Маданият вазирилик маданий-маърифий муассасалар бошқармаси бошлиғи Рус-там Хўжаев кўрик-танловни ўт-казиш билан боғлиқ тадбирлар ху-сусида қуйидагиларни таъкидлади:
— Кўрик-танлов ҳақида эълон чоп этилиши билан вилоятлардан тиним-сиз кўнгироллар бўлапти. Маданият бошқармаларидан мутасадди ўроқлар кўрин билан боғлиқ ташкилий тадбир-лар ҳақида сўрамоқдалар. Бундан жу-да хурсандим. Чунки кўрик-танловга бўлган бу қадар иштироки қизиқи-ши билан маъсуллик билан ишлаш-га ундамоқда.
Энди аниқ вазифаларга келсан, ви-лоятлардан кўришга таъриф буюри-дан иштирокчилар 12 март кунини Тош-кент шаҳрига етиб келишлари керак. Кўрик-танлов манзили халқ ижоди ва маданий-маърифий жумҳурият илмий марказида жойлашган. (Чилонзор кўча-си 24А — уй).

«ТҮМАРИС» САЁХАТГА ЧОРЛАЙДИ

ИЛГАРИ Қашқадарё вилоят-ти комсомол комитетиде иш-лаган Бердинозар Эштурдиев бир неча солиқ комсомол хо-димлари билан ҳамкорликда саёхатлар фирмасини таш-кил этди. Еш ташаббускорлар фирмага яхши ният билан «Тү-марис» номига беришди. Унга вилоят суғурта бошқармаси ҳамийлик кўрсатмоқда.

Фирма директори Б. Эштур-диевнинг айтишича, «Түмарис» чет мамлакатларга, қўшни жумҳуриятларга борни иста-гини билдирган кишилар учун саёхатлар уюштиради. Ҳоз-навбатиде четдан келадиган сайёҳларни қабул қилади. Фирма ташкилотчилари Тур-кия, Олмония, Финляндия мамлакатларига дастлабки саёхатчилар гуруҳини жўнат-дилар. Улар жумҳуриятимиз-нинг қатор тарихий шаҳарла-рига, қўшни Туркиянинг ва Тожикистонга қисқа муддат-ли сафар уюштиривтирлар.

Саёхат фирмаси ташаббус-корлари четга чиқувчиларнинг талаб ва истаклари асосида Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Миср Араб Жумҳурияти, Яқин Шарқ мамлакатларига сафар уюштириш мақсадида чет эл саёхат фирмалари билан ўз-аро шартлашиб олдилар.

Келажакда «Түмарис» фир-маси чет мамлакатлардан таъшир буюрадиган сайёҳ-ларни меҳмонхоналарга жой-лаштириш, уларга қулай шароит яратиб бериши ҳам ўз зиммасига олади. Шу мақ-сада фирманинг ўз ёрдамчи хўжалиги ташкил этилади. Ер-дамчи хўжаликда турли-туман ноз-неъматлар, чорвачилик маҳсулотлари еттиштирилади.

П. ГАДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДҲҚОНДА... УЙ ЖИҲОЗЛАРИ

ҲАММА нарса таъчи-лу қилмаб бўлиб бора-ётган шу кунларда Са-марқанд дўноқларида тахтадан асалган курси-лар ва бошқа уй жиҳоз-лари пайдо бўла бош-лади. Бу хайрли ишга шаҳарнинг Спитамен кўчасида уста Даврон Мирбобоев ташкил эт-ган кичик корхона ҳу-нармандлари қўл ур-дилар. Улар ясаган бу-йулар харидорларга манзур бўлмоқда.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмадҷон МУҲТОРОВ.
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши
Манзил: Тошкент, Лоҳутий кўчаси, 16-А-уй.
Метронинг Ойбек номли бекати.
Телефонлар: 54-93-31, 41-33-04.

«ХАМКОРЛИК»
ТОШКЕНТ ҲУДУДЛАРАРО ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИ
УРТА ОСИЕ ВА ҚОЗОҒИСТОН БИРЖАЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН БИРЖАЛАРИ КОНГРЕССИ МУАССИСЛАРИДАН БИРИДИР.
«ХАМКОРЛИК» БИРЖАСИ БОЛТИҚБҲИИ, РОССИЯ, УЗОҚ ШАРҚ ВА УРТА ОСИЕДАГИ 60 ДАН ОРТИҚ БИРЖА БИЛАН УЗ-АРО АЛОҚАЛАР БОҒЛАГАН.
«ХАМКОРЛИК» БИРЖАСИ — БРОКЕРЛИК МАДАНИЯТИ, ЭТИКАСИ ВА ҲАҚҚОНИЙЛИГИГА КАФОЛАТ БERAДИГАН СИЗ-НИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИНГИЗДИР.
«Хамкорлик» биржаси ўз брокерлик урилларини яна сота бошлади.
Манзил: Тошкент, Лоҳутий кўчаси, 16-А-уй.
Метронинг Ойбек номли бекати.
Телефонлар: 54-93-31, 41-33-04.